# Тозалик - кўнгил ободлиги

Асрлар оша шаклланиб келган миллий қадриятларимиздан бири бу – оммавий байрамлар олдидан юртимизда умумхалқ ҳашарларини ўтказиш, ободонлаштириш тадбирларини амалга оширишдир.Талабалар турар жойи кенгаши жамоаси умумхалқ ҳашарида ҳамиша фаол. Бу бизни руҳлантиради. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан 2021-йил 13-март куни Талабалар турар жойи ҳудудида ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Маълумки, Наврўз умумхалқ байрами халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни намоён этадиган миллий байрамимиз. Наврўз умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида Талабалар турар жойи кенгаши жамоаси эрта тонгдан жам бўлишди ҳамда ҳамжиҳатликда атроф ҳудудларини тозалаш, саранжом-саришта қилишга киришишди.

**Талабалар турар жойлари кенгаши раиси Саидаҳмедов Жаҳонгир ахбороти**

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**